



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 14 январь, сешанба, №4 (3505).

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

**Қозоғистон Президенти дунёга машҳур тадбиркор, сунъий заковат соҳасида эксперт Ли Кай-Фуни қабул қилди.**

Sinovation Venture сунъий заковат институти президенти доктор Ли Кай-Фу билан учрашувда илғор технологияларни жорий этиш стратегик жиҳатдан муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек, у дунёнинг етакчи экспертлари билан тажриба алмашиш рақамли тараққиёт бўйича улкан мақсадларга эришишга хизмат қилишини айтди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Ли Кай-Фу сунъий заковатдан таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика ва жамиятнинг бошқа турли жабҳаларида фойдаланиш юзасидан фикр алмашдилар.

Хитой ва АҚШда сунъий заковатни ривожлантириш ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича катта тажрибага эга бўлган Ли Кай-Фу Қозоғистоннинг ИТ ташаббусларини жорий этиш ва рақобатбардош технологик экотизим яратиш борасидаги салоҳиятини юқори баҳолади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



## БОЛАЛАРГА БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**“КЕЛЕШЕК” ЯГОНА ИХТИЁРИЙ ЖАМҒАРМА ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ИМЗОЛАНДИ**

Давлат раҳбари “Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига давлат таълим соҳасида жамғарма тизими масалалари, ахборот, ижтимоий тараққиёт, маданият ва архив иши соҳаларида ортиқча расмийликни созлашга барҳам бериш масалалари бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунни имзолади.

Ўзгартиришларнинг биринчи қисми “Келешек” Ягона ихтиёрий жамғарма тизимини жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда давлатдан бошлангич таълим капитали, ҳар йили давлат мукофоти тўланиши, беш ёшдан бошлаб болаларни қамраб оладиган сармоя даромадлари назарда тутилган.

Бир марталик бошлангич таълим капитали 2025 йилда ва кейинги йилларда 5 ёшга тўлган болаларга Фан ва олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган фойдаланиш ва қайтариш қоидаларида назарда тутилган миқдорда ажратилади.

“Келешек” лойиҳаси амалдаги давлат таълим жамғарма тизи-

ми билан биргаликда ҳар йили 5 фоиз, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифасидаги болалар учун эса 7 фоиз миқдорда давлат мукофоти тўлашни назарда тутган ҳолда техник ва касб-хунар таълими, ўрта ва олий ўқув юртида таълим олиш, шунингдек, уй-жой шароитларини яхшилаш учун фойдаланиш мумкин бўлган маблағ жамғариш имконини беради.

Ўзгартиришларнинг иккинчи қисмида ижодий индустрияни қўллаб-қувватлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар, жумладан, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарда ижодий sanoat

марказларини шакллантириш, иштирокчиларга уларнинг маҳсулотларини тижоратлаштириш масалаларида кўмаклашиш назарда тутилган. Бундан ташқари, ижодий соҳани ривожлантиришга кўмаклашувчи махсус ҳуқуқий шахс (Ижодий соҳани қўллаб-қувватлаш жамғармаси) фаолият юрита бошлайди.

Жамғарма истеъдодли болаларни рағбатлантиради, ижодий лойиҳалар ва хизматларни тижоратлаштиришга кўмаклашади.

24.kz. маълумотлари асосида.

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТУБ МАҚСАДИ

Президент Мактубида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, сув ва бошқа табиий захира-лардан унумли фойдаланиш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, аҳолининг уй-жой шароитлари ва шаҳарлар инфратузилмасини яхшилаш юзасидан қатор мақсад ва вазифалар белги-ланган. Президент топшири-ғига мувофиқ, вилоятимизда йил охирига қадар барча аҳоли манзилларини ичимли сув билан таъминлаш режалан-ган. Газлаштириш, сифатли электр ва оқава тизимлари билан таъминлаш ишлари қатъий назоратга олинган. Тадбиркорлик субъектларини инфратузилма билан таъмин-лашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

### ВИЛОЯТИМИЗДА ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ



## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА – УЧТА МЕДАЛЬ

**ҚОЗОҒИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ФРИСТАЙЛ МОГУЛ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ УЧТА МЕДАЛЬ БИЛАН ЯКУНЛАДИ**

Алмати шаҳрида фристайл бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди. Қозоғистон терма жамоаси мусобақани учта медаль билан якунлади. Улардан икkitаси Анастасия Городкога тегишли.

Аралаш жамоавий баҳс-ларда Юлия Феклистова ва Денис Раструба кумуш медални қўлга киритишди.

Медаллар сони бўйича Қозоғистон иккинчи ўринда. Биринчи ўринда – Япония (ик-

кита олтин ва битта бронза), учинчи ўринда эса – Чехия (битта олтин).

Фристайл – тоғ чанғи спорти, унинг 3та тури бор: фристайл могул, чанғи балети, чанғи акробатикаси. Могул

– паст-баланд тепаликдан тоғ чанғисидан тез тушиш, чанғи балети – тепаликдан турли шакллар (қадамлар, айланмишлар, бурилишлар ва б.) бажариб тушиш, чанғи акробатикаси – 2 м. ли трамплиндан бир неча акробатик ҳаракатларни ижро этиб, сакрашдан иборат.

Миллий олимпия қўмитаси.



## Қозоғистон жаҳон ОАВларида



**ТАСС: Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистонда ядро салоҳиятини ривожлантиришни режалаштирмоқда**

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Хукуматга АЭС қурилишини тезлаштириш зарурлигини айтди. Бундан ташқари, Қозоғистонда бир нечта атом электр станцияси барпо этилиши мумкин.

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, ядровий иншоотлар сонини кўпайтириш мамлакатда атом энергетикасини ривожлантириш ва энергетика салоҳиятини ошириш имконини беради.

– Атом электр станцияси қурилишини тезлаштириш керак. Мен “Ана тілі” газетасига берган мусохабада иккита йирик станция қурамиз, дедим. Уларнинг сони ҳатто учта бўлиши мумкин. Биз Қозоғистонни ривожланган ядро энергетикаси, сунъий заковат ва тўлиқ рақамлаштиришга жорий этилган давлатга айлантиришимиз керак, – деди Давлат раҳбари.

2024 йил 6 октябрда АЭС қурилиши бўйича референдум ўтказилган эди. Аҳолининг 71,2 фоизи қурилишни қўллаб-қувватлади. Тадқиқотлар доирасида Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлиги Балхаш дарёси яқинида қурилиш ишларини олиб бориши маълум бўлди. Айтилган Хитойнинг CNNC ва Жанубий Корея KHNP, Франция EDF ва Россиянинг “Росатом” компанияларининг ядро технологиялари кўриб чиқилмоқда.

**Report: Озарбайжонга 80та электровоз экспорт қилинди**

Астана шаҳридаги 1-сонли sanoat паркиннинг электровозларни йиғиш заводи Озарбайжонга юк электровозларининг 80та жамланмасини экспорт қилди. Бу ҳақда Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг заводга ташрифи чоғида маълум қилинди. Президентга корхона фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Заводда “ҚТЖ” миллий компанияси буюртмасига кўра, 380та юк ва 70та йўловчи электровози ишлаб чиқарилди.

Маълумки, корхона Франциянинг Alstom компанияси томонидан Индустриялаштириш харитаси доирасида ишга туширилган. Ҳозир бозорга локомотив корпуслари, паст ва юқори кучланилиш трансформаторлар ва бошқа маҳсулотларни тақлиф этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, заводда замонавий тепловозни йиғиш ишлари бошланган. Унинг нархи аввалгисидан 40 фоиз арзон, самарадорлиги эса 20 фоиз юқори. Янги юк электровозларини ишлаб чиқариш 2028 йилда бошланади. Alstom ҳозирда Астана, Алматы, Шу ва Арис шаҳрида хизмат кўрсатиш марказларини очишга сармоя киритмоқда. Бу 700та янги иш ўрни яратиш имконини беради.

**Eurasianet: Қозоғистон – Хитой орасидаги стратегик ҳамкорлик**

Яқинда XXРнинг Қозоғистондаги янги элчиси Хань Чуньинь пойтахтга ташриф буюрди ва баёнот берди. Унинг сўзларига кўра, асосий мақсад халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва “Ўттиз йиллик муносабатларнинг янги даври”ни бошлашдан иборат. Хитой Халқ Республикаси вакили “Dknews.kz” халқаро ахборот агентлиги учун мақола chop этиб, ўтган йилнинг муҳим йўналишини ёритиб берди.

Муқаддам Хитойнинг бош газетаси – “Жэньминь Жибао” Қозоғистон билан чегарадаги назорат-ўтказиш пунктлари янгиланиши ҳақида хабар бериб, бу иншоотлар Шинжон Уйғур автоном тумани учун муҳим эканини таъкидлаган эди. 2024 йилнинг 11 ойида Хитой Қозоғистондан жами 15,1 минг тонна ун сотиб олди. Бу ўтган йилга нисбатан 2,5 баравар кўпдир. Шунингдек, ХХР Қозоғистон арпасининг асосий харидори ва маҳаллий бугдойни истеъмол қилувчи давлатлардан бири ҳисобланади.

**Anadolu: Гиёҳванд моддалар ишлаб чиқарганларга жазо кучайтирилади**

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев гиёҳванд моддаларга қарши кураш тўғрисидаги янги қонунни имзолади. Тўлиқ номи – “Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва шу каби кучли таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш масалалари юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”.

Мазкур Қонун Давлат раҳбарининг 2024 йил 15 мартдаги Миллий Қурултойда белгиланган вазифалари ижросига қаратилган. Ҳужжатда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ва сотиш билан шуғулланувчиларга нисбатан қатъий жавобгарлик, гиёҳванд моддалар контрабандачиларига нисбатан қўлланиладиган чораларни кучайтириш кўзда тутилган.

Айниқса, мансабдор шахсларнинг гиёҳвандлик воситаларини тарқатганлиги учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди. Илгари уларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум этилган бўлса, эндиликда улар мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 15 йилдан 20 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилади.

Шу билан бирга, Қонун гиёҳванд моддалар контрабандачиларига нисбатан жазо муддати қисқартирилди. Бундай жиноятни биринчи марта содир этганларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этиш (илгари мулки мусодара қилиниб, 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилинарди) назарда тутилган.

Гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шуғулланётганларнинг аксарияти ўсмирлар ва ёшлар бўлгани учун жазо ҳам энгиллаштирилди. Улар гиёҳванд моддаларни ўзлари тайёрлашчилари, кўпчиси уларнинг ноқонуний айланиши ташкилотчисининг жиноий тузоғига илиниб қолишлари инobatта олинди. Аммо жиноят бир неча марта такрорланса, мол-мулки мусодара қилиниб, 7 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган.

24.kz. маълумотлари асосида.



# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТУБ МАҚСАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерова Туркистон шаҳри ва вилоятда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан ахборот берилиб, аҳолини сифатли инфратузилма билан таъминлаш масалалари, истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.

Вилоят раҳбари масъул бошқармалар, коммунал хизматлар, туман ва шаҳарлар ҳокимларига бу борадаги ишларни янада кучайтириш, муаммоларни ҳал этиш, назоратни кучайтириш юзасидан топшириқлар берди. Коммунал масалаларни ўз вақтида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоят энергетика ва уй-жай коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиги Руслан Муздибеков энергетика ва уй-жай коммунал хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва долзарб муаммолар ҳақида маълумот берди. Жорий йилда 160дан зиёд янги иншоотлар қурилиши режалаштирилиб, уларни амалга оширишнинг аниқ режаси тасдиқланган.

2025 йил охиригача бюджет маблағлари ҳисобидан 47та сув таъминоти иншоотини фойдаланишга топшириш режаланган. Шунингдек, 30та аҳоли манзилнинг лойиҳаси муаммоларни ишлаб чиқирилиб, молиялаштиришга



йўналтирилмоқда. Йил охиригача 30 минг киши марказлаштирилган сув тизими билан таъминланади.

Вилоятда газлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. 2025 йил охиригача қадар 47та газ таъминоти иншооти фойдаланишга топширилади.

Электр таъминотини яхшилаш мақсадида жорий йилда 41та иншоот қурилмоқда. Йил охиригача 18та аҳоли манзилнинг 22,3 минг нафар аҳолини сифатли электр энергияси билан таъминланади. Туркистон шаҳридаги “Северная” (110 кВ) электр тақсимлаш станцияси ишга туширилди, Келес туманида “Қизиласкەر” электр тақсимлаш станцияси (220 кВ) ва электр узатиш линияси (110 кВ) қурилиши якунланди. Бу Келес, Саригоч, Мақтаарал, Жетисай, Чордара ва Қазигурт туманларини

сифатли электр энергияси билан таъминлаш имконини берди.

Вилоят ҳокими мутасадди раҳбарларга тақдим этилган ҳужжат лойиҳалари ва таклифларни маълумлаб, уларнинг ижросини сифатли ва самарали ташкил этиш юзасидан қатор топшириқлар берди.

– Аҳолини ичимли сув, газ ва сифатли инфратузилма билан таъминлаш – асосий вазифамиз. Инфратузилма масалалари ҳамма вақт кун тартибда бўлади. Президентимиз томонидан белгиланган янги иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдан иборат. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил охиригача барча аҳоли манзилларини тоза сув билан таъминлаш тўғрисидаги топ-

шириги ижросини таъминлаш учун барча имкониятлар мавжуд. Биз аниқ режа асосида, тизимли иш олиб боришимиз керак, – деди ҳоким.

Шунингдек, вилоят ҳокими “Тоza Қозоғистон” дастури ижросини назорат қилиш юзасидан топшириқлар берди ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарларини ўз ҳудудлари атрофида тозаликни сақлашга чақирди.

– 2024 йил якунига кўра, 807та аҳоли манзилдан (7та шаҳар ва 760та қишлоқ) 767таси, яъни 95 фоизи ичимли сув билан таъминланган. Шунингдек, 1833455 нафар (69,7 фоиз) аҳоли истиқомат қиладиган 563та аҳоли манзили табиий газ билан таъминланди, – деди у.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## Президент ташаббуслари – амал дастури



• Бюджет маблағларини бево-сита чорвадор ва деҳқонларга бериш орқали қишлоқ хўжали-гига давлат субсидияларини ошириш;

• қишлоқ хўжалиги ишлаб чи-қарувчилари учун ёқилғи-мойлаш материалларига барқарор ва мақбул нархларни белгилаш;

• асосий қишлоқ хўжалиги маҳ-сулотларига адолатли нархлар-да давлат харидлари ҳажминини ошириш;

• қишлоқларда истеъмол кооперацияси тизимини ривожлан-тириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

«Ақ жол» демократик партиясининг «Сиёсий дастури»дан.

## АГРАР ИСЛОҲОТЛАР – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ОМИЛИ

Ҳозирги кунда республикада амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, тарихий ва маънавий ўзгаришлар жамиятимиз ижтимоий ҳаётида туб бурилишни бошлаб берди. Эндиликда барча соҳаларни мамлакатнинг миллий эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ва авлод-аждодаларимизнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ҳамда тарихий тажрибаларини инобатга олган ҳолда ривожлантириш талаб этилади. Бу эса республиканинг ижтимоий давлат сифатида иқтисодий-сиёсий, маънавий-маданий камол топтиради ўз тараққиёт йўлини ривожлантириш, истиқбол мафқу-расини қарор топтириш ва уни барча халқ оммаси онгига сингдириш заруратини тақозо этади.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг “Ана тили” газетасига берган мусохабаси “Мақсадим – иқтисодиётни ва эгаменликни мустақамлаш”, деб номланди. Унда йил якунлари сарҳосид қилиниб, келгусида амалга оширилаётган ишларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, барча ҳудудларда эскирган муҳандислик-коммунал инфратузилмалар замонавийлаштирилган, 18 миллион квадрат метр уй-жай фойдаланишга топширилган, 7 минг чакриқ йўл қурилган ва таъмирланган, Алматы, Қизилғурда ва Шимкент аэропортларида янги йўловчи терминаллари ишга туширилгани айтилди. Кончилик, нефть-кимё, металлургия тармоқларида йирик лойиҳалар амалга оширилгани, қайта ишлаш соҳаси жадал ривожлана бошлагани, унинг саноатдаги улуши ишлаб чиқариш соҳаси даражасига яқинлашаётгани таъкидланди. 27 миллион тоннага яқин галла этиштирган деҳқонларимиз муваффақияти сўнги ўн йилдаги рекордни қайд этгани тилга олинди. Бу албатта, юрти-мизда олиб борилаётган аграр ислохотларнинг самарасидир.

Мазкур масала узоқ йиллардан буён кун тартибидан тушмай кел-моқда. Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз учун оғир бўлса-да, тизимли иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, келгуси беш йиллик тараққиётимиз учун мустаҳкам пойдевор яратди. Шу мақсадда кўплаб муҳим лойиҳа ва ташаббуслар амалга оширилди. Келгусида янада кенг қамровли ишлар ҳаётга татбиқ этилади.

БМТ маълумотларига кўра, сўнги бир неча йилда сайёраимизда ҳароратнинг мисли қўрилмаган даражада кўтарилгани кузатилмоқда. Фаразларга кўра, бу ҳолат келгусида ҳам давом этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштиришда табиат қонуниятларига эътибор бермаслик, аксинча, уларни инкор қилиш мазкур жараён-нинг асосий сабабларидан бири бўлди. Албатта, бундай ҳолатни фақат қишлоқ хўжалиги билан боғлаш нотўғри. Одамоздиннинг бошқа йўналишлардаги фаолияти, умуман олганда, турмуш тарзи сайёра-имизнинг мазкур ҳолат билан тўқнашишга ҳисса қўшди. Аммо бун-дан кўпроқ қишлоқ хўжалиги жабрланмоқда, озик-овқат муаммоси кескинлашмоқда.

Бу каби муаммолар дунёнинг барча давлатида мавжуд. Бироқ бизнинг ҳудудга таъсири кўпроқ. Дубайда ўтказилган экологик саммитда Президентимиз таъкидлаганидек, минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар қоридир. Шу боис, сўнги йилларда ўта иссиқ кунлар икки баравар орди. Бунинг натижасида сайёраимиз музликларининг учдан бир қисми эриб, ёгингарчиликнинг кўпайиши натижасида сув тошқинла-ри рўй бермоқда.

Ҳўш, ҳозирги вазиятдан чиқиш йўли борми, бу қийинчиликларга қандай қарши тура олиш мумкин? Қандай чора-тадбирлар туфайли табиий захираларни сақлаб қолиш, озик-овқат танқислиги муаммо-сини ҳал қилиш мумкин? Бу борада сезиларли ютуқларга эришган мамлакатлар тажрибасига кўра, бунинг негизида асосий ишлаб чиқариш кучи бўлмиш инсоннинг эркин фаолияти, салоҳиятини саф-фарбар этувчи, юқори самарали меҳнатга ундовчи хўжалик юритиш дастаклари турибди. Шу туфайли фан-техника ютуқлари, илғор тажрибалар, бугунги вазибалар эртанги кун манфаатлари билан уйғунлашди.

Бундай хўжалик юритиш дастаги бозор тамойилларига асослан-ган бўлиб, давлат ва ишлаб чиқарувчиларнинг ягона мақсад сари ҳаракатланганини таъминлайди.

Давлатнинг вазифаси аграр соҳада турли таъкилотларни му-ваффақиятли иш юритиши учун иқтисодий, ҳуқуқий шароит ярати-лишига қаратилиши керак.

Қишлоқ хўжалиги кластерлари ҳамда ширкатлар ўз фаолиятини тенг ва эркин амалга ошириш имкониятига эга бўлиши даркор. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида давлатнинг фақат ўзи ҳал қилиши керак бўлган масалалар ҳам бор. Улар қаторига ер ва сув захираларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи, атроф-му-ҳитни муҳофаза қилувчи андазаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг иж-роси устидан қатъий назоратини йўлга қўйиш вазифалари киради.

Иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатларда муваффақиятли амалга оширилган аграр ислохотлар юқоридоги тамойилларга асо-сланди.

Хитой эришаётган муваффақиятлар барчага маълум. Чекланган табиий захиралар билан дунёдаги энг кўп аҳолига эга бўла туриб, уни қашшоқликдан чиқаришга киришди. Ҳозир Хитой ушбу масала-ларни ҳал қилиш билан бирга, табиий захиралардан унумли фой-даланиш ва самарадорлигини ошириш, “яшил” тамаддунлашиш та-мойиллари асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш юзасидан энг юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Хитой тажрибаси ягона мисол эмас. У босиб ўтган йўлдан келаётган Вьетнам ҳам эътиборга лойиқ ютуқларга эришмоқда. Утган чорак асрдан буён мамлакат чукр иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечиряпти. Ҳар бир тармоқда, жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам жадал юксалиш кузатилмоқда.

Шу туфайли ташқи савдо салоҳияти сезиларли даражада ошиб бораётир. Вьетнам гуручининг энг йирик экспортчиларидан бирига айланди. Шунингдек, қахва, чой, зираворлар, ёнғоқ, турли денгиз маҳсулотлари ва каучук бозорида муҳим ўринларни эгаллади. Аҳолининг сурункали тўйиб овқатланмаслик ва қашшоқлик, ташқи ёрдамга доимий қарамлик сингари қоқоқлик белгилари ўтмишда қолди.

Хўжаликни самарали юритиш тартиби, инсоннинг унумли меҳнат қилиши учун зарур шароит яратилиши ҳамда табиий захиралардан оқилона фойдаланиш омили бу режаларнинг муваффақиятли ижроси-ни таъминлайди.

Қазибек ИСА,  
ҚР Парламент Мажлиси депутаты.

## ЧЕГАРА МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



ҚР Парламенти Сенати депутати Дархан Қидирали Туркистон вилоятидаги ўтказиш бекат-лари фаолияти билан танишди.

Депутат Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг “Ана тили” газетасида эълон қилинган мусохабасининг асосий устуворликларига алоҳида эътибор берди. Унда минтақаларни тараққий эттириш йўналишлари, фуқароларнинг ўртача умр давомийлигини ошириш ҳамда иқтисодиётни юксалтириш каби асосий мавзуларга алоҳида эътибор берди. Сенатор учрашув иштирокчиларининг саволларига жавоб бериб, минтақага доир муҳим масалалар юзасидан фикр билдирди.

Халқ ноиб Саригоч туманида “Жибек жолы” ҳам-да Қўнибасев номи чегара бекатларининг фаолияти билан танишди ва чегарачилар билан долзарб масалаларни муҳокама қилди. Шунингдек, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги чегарадан хавфсиз ҳамда самарали ўтишни таъминлашда ушбу тузилмалар-нинг муҳимлигини таъкидлади. Депутат Парламент томонидан халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳам-да минтақаларни ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлар жадал суръатларда давом эттирилишини таъкидлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ!

“Жамоат кенгаши тўғрисидаги намунавий қондан тасдиқлаш тўғ-рисида” Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий тараққиёт ва-зирининг 2021 йил 26 февралдаги 69-сонли Буйруғининг 10-бандига мувофиқ, Туркистон вилоятининг Жамоат кенгашини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳининг аъзоларини саралаш танловида кузатувчи сифатида қатнашиш истагини билдирган фуқаролар 2025 йил 15 ян-вардан эътиборан, беш иш кунини ичида ушбу маълумотномага илова сифатида ариза ва Қозоғистон Республикаси фуқаролигини тасдиқ-ловчи гувоҳнома нусхасини Туркистон вилоят маслаҳати девонига, Туркистон шаҳри, Янги шаҳар кичик тумани, 32-қўча, 18-уйга шахсан топширади ёки [maslihat.uko@yandex.kz](mailto:maslihat.uko@yandex.kz) электрон почтасига йўллайди.

Тақлифлар қоғоз шаклида: иш кунлари – душанба-жума кунлари оралигида соат 9.00дан 19.00гача (тушки танаффус соат 13.00дан 15.00гача) қабул қилинади.

Туркистон вилоят маслаҳати “Жамоат кенгашлари тўғрисида”ги Қо-зоғистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, Туркистон вилояти Жамоат кенгашининг таркибини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳининг аъзоларини саралаш юзасидан танлов ўтказилишини маълум қилади.

Жамоат кенгашини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳининг тарки-би давлат идоралари ходимлари орасидан ва танлов асосида ноти-жорат ташкилот вакиллари, оддий фуқаролар орасидан шаклланти-рилади.

Танловда иштирок этишни истаган фуқаролар, нотижорат ташки-лот вакиллари 2025 йил 15 январдан бошлаб, қуйидаги ҳужжатларни Туркистон вилоят маслаҳати девонига – Туркистон шаҳри, Янги ша-ҳар кичик тумани, 32-қўча, 18-уйга шахсан топширади ёки [maslihat.uko@yandex.kz](mailto:maslihat.uko@yandex.kz) электрон почтасига йўллайди:

- 1) номзодни ишчи гуруҳининг таркибига тавсия қилиш тўғрисида нотижорат ташкилотнинг ёзма аризаси ёки фуқаронинг аризаси;
- 2) таржимаи ҳоли, номзоднинг касбий ва жамоат ишларидаги фао-лияти тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) судланган ёки судланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- 4) руҳий, ҳулқ-атвори, жумладан, руҳий фаолликка таъсир кўрсата-диган воситаларни истеъмолига алоқадор касалликлар бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- 5) номзод тўғрисидаги маълумотларни тўплашга розилиги.

Тавсияларни қабул қилиш муддати – 5 иш кунини ташкил қилади. Тавсиялар қоғоз шаклида: иш кунлари – душанба-жума кунлари оралигида соат 9.00дан (тушки танаффус – 13.00дан 15.00гача) қа-бул қилинади.

АБИШОВ Нурали Алмаханули – Туркистон вилоят маслаҳати раи-си.

Маслаҳат манзили: индекс 161200, Туркистон шаҳри, Янги шаҳар кичик тумани, 32-қўча, 18-бино.

Масъул шахс – АЛИЕВ Еркеғали, шаҳарлараро код (872533), иш те-лефони рақамлари: 59-615, +7 701 736 36 10, электрон почта: [maslihat.uko@yandex.kz](mailto:maslihat.uko@yandex.kz).

Туркистон вилоят маслаҳати.

Тулкибош тумани ҳокими Асқар Естибаев оҳақ ишлаб чиқаришга қизиқиш билдирган “Fujian Yonghuan New Material Technology Co. Ltd” (Хитой) компаниясининг вакили Ван Жиангни қабул қи-либ, музокаралар юритди.

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК, САРМОЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК



Хорижий сармойдор билан суҳбат чоғида А. Естибаев ҳудудда сайёҳлик ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятининг юксаклигини таъкидлади ва ушбу йўналишларга сармоя киритса, давлат томонидан қўллаб-қувватланганини маълум қилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## САРИОҒОҶДА ДАСТАБКИ “БАДАСТИР МАКТАБ”

Сариғоч туманида “Бадастир мактаб” миллий лойиҳаси доирасида барпо этилган дастлабки мактабнинг очилиш маросими ўтди.

Дербисек қишлоғида қад ростлаган мактаб 900 ўқув-чига мўлжалланган. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбо-сари Бейсенбай Тажибаев, давлат ва жамоат арбоби Ўразқул Асангази, туман раҳбари Арман Абдуллаев, ви-лоят маслаҳати депутатлари Алмас Салимов, Жанибек Сулейменов, туман маслаҳати раиси Рисбек Асилбекули ҳамда қишлоқ аҳолиси иштирок этди. Фаҳрий меҳмонлар туман аҳолисини шодмёна билан қўлаб, эзгу тилаклари-ни билдирдилар.

Сариғоч тумани ҳокимининг матбуот хизмати.



»» Йил сарҳисоби

Туркистонлик таниқли тадбиркор Ғайрат Акешов иқтидорли, серғайрат ўғли Абдулла Маҳкамбоев билан бунёд этган муҳташам “Амирлар саройи” тўйхонасида Туркистон, Кентов шаҳарлари ҳамда Саврон туманидаги фаол обуначиларимиз ажойиб анжуманда иштирок этдилар.



“Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси бош муҳаррири Райимжон Алибоев барча меҳмон ва мезбонларга таҳририят ташаккурномалари ва 2025 йил тақвимини тақдим этди.

Тадбир аввалида вилоятимиз тараққиётига ҳисса қўшган ҳамюртларимиз, меҳнат фахрийлари Тўлқин Саидмуродов, Базарбай Мусабеков, Дилмурод Жамоловлар хайрли ишлар ҳомийси Ғайрат Маҳкамбой ўғлини навбатдаги янги тўйхона барпо этганлиги билан қутлаб, ўзига ва жамоасига

омад тиладилар. ҚР Президенти Қ. Тўқаев ташаббуси билан махсус мақомга эга бўлган Туркистон шаҳри ва меҳмонлари учун “Амирлар саройи” ажойиб тўхфадир.

Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси бошқаруви раиси ўринбосари Зокир Бекенов Туркистон шаҳар маслаҳати депутати Дониёр Аюпов билан бирга Ф. Акешовга ҚХА раиси ўринбосари М. Азилханов имзолаган “Алғыс» кўрак нишонини гулдурас қарсақлар остида

тантанали тақдим этдилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қурбонбой Ирисбековнинг тадбиркор ва устоз неваралари, “Туркистон-насос” МЧБ асосчиси, Қаҳрамон Ирисбеков билан Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбековлар Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги нишонланадиган жорий йили таваллудига 105 йил тўладиган УВУ иштирокчиси, Ф. Акешовнинг ладари бузуқвори Маҳкамбой отани ёд этиб, тўйхона соҳиби кифтига зарбоф тўн ёпиб, ташаккурномани тақдим этишди.

Вилоят “Ҳлес” ҳамда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмалари раиси Райимжон Қўчқоров шаҳардаги “Бирлик” кичик тумани мутасаддиси Тойир Абдувалиев билан соҳибқирон Амир Темур каби ғайратли бунёдкор Ғайрат Маҳкамбой ўғлининг кифтига зарбоф тўн ёпиб, сямимий кутлаш баробарида 2024 йилда маданият, маъ-



навият, адабиёт ва спорт соҳаларида залворли ютуқларга эришган ҳамюртларимизни табриклаб, махсус совғаларини тақдим этди. Улар – ҚР Президенти таъсис этган Абай номидаги давлат мукофотида сазовор бўлган адиб Қулбек Ергўбек қаламига мансуб, “Инсоннинг бир қувончи фарзанд эрур” (“Адамның бір қызығы бала деген”) китобини ўзбек тилига маҳорат ила таржима қилиш баробарида (ушбу китоб Ўзбекистонда

ҳам кўп минг нусхада нашр қилинган) чорак минг нусхада чоп этилишига шаҳсан ўзи ҳомийлик қилган Қозоғистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси Долимжон Сайфуллаев, спортнинг кураш тури бўйича кўплаб шогирдлар тайёрлаган, 65 ёшга тўлган халқаро даражадаги устоз-мураббий Раҳим Иброҳимов, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги оқсоқоллар кенгаши фаоллари Ҳусан Убайдуллаев, Ҳусан Маҳкамбоев, серғайрат тадбиркор Фар-

рух Ботирхон, хотин-қизлар кенгаши раисаси Муҳаббат Иброҳимованинг қаратэ, кураш ва шахмат бўйича залворли ютуқларга эришган иқтидорли неваралари Амира Отабек қизи, Шайхаслон Отабек ўғли ва яна кўплаб фаол ҳамюртларимиз. Барчасига омад ҳамда янги зафарлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Кентов шаҳридан меҳнат фахрийси Абдукарим Амиров, шаҳар маслаҳати депутати Бекзод Ҳабیبовлар ҳамшаҳарлари ва Қарноқ



аҳли номидан Ф. Акешовни муборакбод этиб, кифтига тўн ёпишди.

Тадбирда савронлик фаол обуначиларимиз Қодир Аҳмедов, Абдуҳамид Умаров, Ҳусан Неъматуллаев, Иброҳим Отажонов, Айниддин Абубакиров, Абдулла Расуловлар ҳам иштирок этишди. Иқонлик Ирискул Аббосов ўзининг “Умримдан хотиралар” китобини тўйхона соҳибига тақдим этиб, ниятларини баён қилди.

А. Навоий мақбарасини Ҳиротга бориб зиёрат қилган Қорачиқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адҳамов Қуръон тиловатидан сўнг, янгиқонлик Бобоҷон Ёқубов дуо қилиб, элга равақ, осойишталик ҳамда “Амирлар саройи” фаолиятига муваффақият тилади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»» Обуначиларимиз орасида

## МАКТАБ КУТУБХОНАСИГА ТУҲФА

Эски Иқон қишлоғидаги Ҳамида Чолдонова раҳбарлик қилаётган 1-сонли умумтаълим мактаби республикамиздаги пешқадам 100 мактаб сафида.

Янги йилнинг дастлабки ҳафта-сида Саврон тумани УЭМБ раиси Қурбонбой Ирисбеков саъй-ҳаракатлари билан ушбу ўқув даргоҳи кутубхонасига ўзбек тилидаги нодир китоблар тўхфа қилинди. Мактаб даҳлизида териб қўйилган янги адабиётлар билан директор ўринбосари Зоҳид Арслонов, кутубхона мудираси Замира Турсуновалар, назоратчи Отажон Абдуразақовалар сямимий қизиқиш ила танишиб, ҳомийларга миннатдорчиликларини билдиришди. “Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти ва туман УЭМБ ҳамкорлигида ушбу мактаб кутубхонасига ўтган



йили ҳам “Кутубхонага – менинг китобим” тадбири доирасида қозок, рус, ўзбек тилларидаги турфа бадиий-адабий ҳамда илмий китоблар совға қилинганди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: китобларни тақдим этиш чоғида.

Муаллиф суратга олган.

Абай гарнизонининг сапёр-муҳандислари “Шығыс” минтақавий ҳарбий қўмондонлик дала машқлари майдонида жанговар тайёргарлик дарсларини якунладилар.

54770-сонли ҳарбий қисм жанговар тайёргарлик режасига мувофиқ, илк бор аскарлар миналанган майдонда йўл очиш ҳамда муҳандислик машиналарини бошқариш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишди. Ҳарбий йиғинида ёш сапёрлар малакали мутахассисларга бириктирилди.

Портлатиш ишлари пайтида хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилинди.

– Сапёрга адашиш мумкин эмас. Минани зарарсизлантириш хатарли иш, миналанган майдонда ҳаракатланиб, ҳарбий техника ва аскарлар учун йўл очиш ҳам осон эмас, – дей-

## ЁШ САПЁРЛАР УЧУН АМАЛИЁТ ҲАФТАЛИГИ



ди ёш аскар Жасулан Нусипжан. – Бугун кучли билим ва улкан тажрибага эга мутахассислардан сабоқ олдик.

Таъқидлаш жоизки, ёш аскарлар-

нинг жанговар тайёргарлиги мамлакатнинг мудофаа қўбиятини янада оширишга қаратилган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Ёднома

## МУҲТАРАМДАН МУНАВВАР ХОТИРАЛАР ҚОЛДИ

Туркистон шаҳридаги таниқли хунарманд Ҳақим Султонкул ўғли ва қаҳрамон она Адол Исоқ қизининг пири бадавлат хонадонидан таваллуд топиб, тарбия олган Шоқир, Эргаш, Нуриддин ўғиллари ҳамда Марҳамат, Насиба, Нафиса, Марҳабо, Мадина қизлари Туркистон вилоятида таълим, маориф, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларида самарали меҳнат қилиш баробарида «Жанубий Қозоғистон» газетаси нашрининг фаол обуначилари ҳамдир.



Улкан оиланинг кенжаси Муҳтарам Ҳақим қизи шаҳардаги Т. Бигелдинов номли мактабда, сўнгра хунар-техника билим юртида таълим олди. Мазали нонлар ёпадиган моҳир пазанда, саранжом-сарихта уй бекаси эди. Умр йўлдоши, тадбиркор Рўзи-муҳаммад Холметов билан қобил фарзандлар Иброҳим, Ислоҳ, Илҳом, Муяссар, Муқаддасларни тарбиялаб, ширин-шаккар неваралар қурган ибратли оила соҳибаси эди.

Ҳаётдан орзу умидлари мўл, соҳаларида самарали меҳнат қилиш ўзмиш йўқ экан. Муҳтарам Ҳақим қизидан қобил фарзандлар, ширин неваралар ҳамда мунаввар хотиралар қолди.

Аллоҳ охиратини обод қилсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.



Саврон тумани, Эски Иқон қишлоғидаги Ал Форобий номли мактаб жамоаси котиба Гулзор, техник ходима Гулнора Отахоноваларга падари бузуқвори, иш юритувчи Гулсара Отахоновага бобоси, меҳнат фахрийси

**Мавзур ОТАХОНОВ-**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ва вилоят УЭМБ меҳнат фахрийси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Шоқир Султонқулвога синглиси

**Муҳтарам ҲАҚИМ қизи-**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилдилар.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!



## ИБРАТ МАКТАБИ

Математика фани ўқитувчиси касбини танлаш имда Туркистон шаҳрида таниқли математик бўлган бобом Тожиддин Фармонқуловнинг сермахсул фаолияти мен учун ибрат бўлди.



Бобом Т. Фармонкулов 1930 йили 15 майда Қорачиқ қишлоғида туғилган. Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртини тамомлаб, Туркистон шаҳридаги Алишер Навоий номи мактабда математика ўқитувчиси, илмий мудар бўлиб 46 йил самарали меҳнат қилган, кўплаб муносиб шогирдлар етиштирган. Бувим Холдор Қодирова Навоий номи мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида кўп йиллар ишлаб, нафақага чиққан. Улар тўрт ўғил ва уч қизни вояга етказиб, 20 неварга, 51 эвара кўрган пири бадавлат оила соҳиблари эди. Улар орамизда йўқ эсада, қалбимизда барҳаёт.

Тожиддин бобомнинг хонасидаги илмий китоблар, математика фанидан ўқув қўлланмалари мен учун ўзгача аҳамиятга эга эди. Ўрта мактабдан сўнг, А. Ясавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университетининг математика куллиетида олий маълумот олдим. Айни пайтда вилоят марказининг Бирлик кичик туманидаги "Арман-M school" мактабидан ёш авлодга математикадан дарс бермоқдаман. Оруларим ушалганидан, бобом каби математика ўқитувчиси бўлганимдан бахтиёрман. Ибратли, зиёли аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти биз, ёш муаллимлар учун ибрат мактаби бўлиб қолади.

Сурайё ФАРМОНҚУЛОВА,

"Арман-M school" мактабининг математика муаллимаси.

Тасвирда: бобом Тожиддин Фармонкулов ва бувим Холдор Қодирова.

ХАЛҚ ДАРДИГА  
МАЛҲАМ

Таниқли ёш тадбиркорлардан Гулом Тожиддиновга қарашли "Асия" савдо мажмуасида қатор хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда.

Улар Қорачиқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адхамов орқали "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетасига доимий обун бўлганлар. Халқ дардига малҳам бўлаётган "Зелёная аптека" дорихонаси ва муолажа хонаси фаолиятдан халқимиз мамнун. Нафақат Қорачиқ

аҳли, балки қўшни Қариз, Қўмтийин ва Чипон қишлоқлари аҳолисига ҳам сифатли хизмат кўрсатаётган ушбу тиббий мажмуага ёш тадбиркор, олий тоифали провизор Диёра Ҳасанова раҳбарлик қилади. Дорихонада А. Ясавий номи ХҚТУ "Умумий тиббиёт" бўлими 4-босқич талабаси Нурсултон Дадажонов ўқидан бўш пайтларида фармацевт бўлиб ишламоқда. Соҳада 3 йиллик иш-тажрибага эга Нурсултон ўз устида ишлаши баробарида шарқ табobati бўйича қўшимча дарсларда малака оширмоқда. Дорихона тарки-



бидаги муолажа хонасига Туркистон олий тиббиёт коллежи битирувчиси Сарвиноз Носирова мудирлик қилади. Яна бир ҳамшира Гаўҳар Шокирова билан элнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ,

Суратларда: провизор Диёра Ҳасанова, ҳамшира Сарвиноз Носирова ва фармацевт Нурсултон Дадажонов.

БУЮК ТАБИБ  
ИБН СИНО САБОҚЛАРИ...

- Оиладаги уруш-жанжаллар, оғир хасталиклар буларнинг барчаси бекорчи одамдан чиқади.
- Дунёда даволаб бўлмайдиган касалнинг ўзи йўқ, даволаб бўлмайдиган беморлар бор, яъни, тушкун кайфиятдаги, иззатталаб, ҳасадгўй булар ўзини-ўзи ўлдирди.
- Қиш кунларининг бирида Бухоро бозоридан омавий йўтал ўз берибди. Йўтал сотувчилардан харидорларга ҳам ўтибди. Ибн Сино шогирдларига: "Исирик тутатинглари", деб буюрибди. 40 нафар шогирд қалин қилиб исирик тутатибди, сўнг йўтал аста-секин даф бўлибди.
- Бош оғриғининг ҳар қандай турида уйку энг яхши дори.
- Ибн Синонинг уйланадиган вақти келибди. Аммо биронта қизни ёқтирмай юрaverибди. Маҳалласида ҳамма билан урушиб юрадиган тили захар қиз бор экан. "Уйлансам шу қизга уйланаман", дебди. Қиз келин бўлгач, ўзгариб, мулойим, ширинсўз бўлиб қолибди. Яқинлари ҳайрон бўлиб: "Ибн Сино сенга дори бердим", деб сўрашибди. Қиз: "Йўқ, мени ширин сўз билан даволади", деб жавоб берибди.

Тўпловчи: Санобар ТУРСУМЕТОВА,  
ҚР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

## ЭЪЛОН

2025 йил 17 январь куни Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Е. К. Алтаевнинг Тўлебий туманига хизмат сафари режаланмоқда. Учрашув чоғида тумандаги спорт, маданият, диний аҳвол ва ёшлар масалалари бўйича қатор иншоотларни оралаб, тумanning фаол ёшлари билан учрашиш режаланган.

»» А. Навоий таваллудининг 584 йиллиги олдида

"ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН" ГАЗЕТАСИНING  
ЭЪТИҚОДЛИ МУШТАРИЙЛАРИ

Келаси ойда буюк мутафаккир, жаҳон тан олган аллома шоир Алишер Навоий таваллудининг 584 йиллигини нишонлаймиз.

Ўтган йили Сўзоқ тумани, Сўзоқ қишлоғидаги Нурмуҳаммад Болтабоев раҳбарлик қилаётган А. Навоий номи мактабда ўқитувчилар ва ўқувчилар саъй-ҳаракатлари ҳамда нафақа ёшидаги фахрий устозлар иштирокида буюк мутафаккир А. Навоий таваллудига бағишланган тадбир вилоят миқёсида ташкил этилганлиги билан ёдда қолди. Навоий макбарасини Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрига бориб, зиёрат қилиб келган Саврон тумани, Қорачиқ қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адхамов сафар таассуротларини баён этиб, барчамизда улкан таассурот қолдирди.

Қадрдон нашримиз "Жанубий Қозоғистон" газетаси обунасига 210 нусха билан баракали ҳисса қўшаётган нафақадор устоз Қодир Аҳмедовнинг



саъй-ҳаракатларига таҳсинлар айтдик. Бу, аслида, маънавий жасорат барчамизга ибрат бўлиши керак. Таҳририят бош муҳаррир-директори Райимжон Алибоев, мухбир Шомирза Мадалиевлар ташаккурнома ва кутловларни фаол обуначиларга тақдим этиб, муштарийлар билан мулоқотда бўлишди. Ҳар ҳафта мактабимиз кутубхоначиси Дилноза Татенова тажрибали ўқитувчилар Махсуда

Файзуллаева, Бибисора Бобоева, Шаҳризод Жуманазарова, Зулфизар Тожиёва ҳамда шу даргоҳда меҳнат қилиб, нафақага чиққан Марат Ушибаев, Акбар Асенов, Комила Райимбоева, Сохибжамол Шалова сингари фахрий муаллимларга "Жанубий Қозоғистон" газетасининг ўз вақтида етказилишига камарбаста.

Туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, нафақа-

даги ҳурматли ҳамкасбимиз Муҳаммадҷон Бобоев барча хайрли ишларга фаол иштироки билан ўрнак.

Султонбой РЎЗИМЕТОВ,  
А. Навоий номи мактаб директори ўринбосари,  
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Тасвирда: фаол обуначиларимиз.

Ш. МАДАЛИЕВ  
суратга олган.

»» Қозоғистон халқи Ассамблеясига – 30 йил

САВРОН ТУМАНИДАГИ  
ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ

Саврон туманидаги "Жамоат тотувлиги" ДКК туман бўлими раҳбари Арсилан Раматуллаев етакчилигида туман ҳокимлиги биносига ўтган анжуманда "Ёшлар имконият маркази" ходимлари ҳамда тумандаги мактаблардан вакиллар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ассамблеяси қошидаги ёшлар етакчиси этиб муаллим Тожимурод Саидов тайинланди. Тожимурод Миразиз ўғли 1993 йилнинг 17 июнида Эски Иқон қишлоғида таваллуд топган. Олий маълумли. Информатика ва ахборот технологиялари коммуникацияси ва иқтисодиёт му-

тахассиси. Қишлоқдаги Зокиржон Саидов раҳбарлик қилаётган С. Раҳимов номи умумтаълим мактабида ўқитувчи, бошланғич касабга уюшмаси раиси сифатида ҳам жамоатчилик вазифасини адо этмоқда.

Йил аввалида масъулиятли жамоатчилик вазифасини зиммасига олган Тожимурод Миразиз ўғлига зафар ёр бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: А. Раматуллаев Т. Саидовни муборакбод этмоқда; тадбир иштирокчилари.



»» Саломатлик – биринчи бойлик

Аҳоли саломатлиги йўлида кечая-кундуз самарали меҳнат қилаётган "Тез ёрдам" ходимлари хизматидан сўзликлар миннатдор. Моҳир ҳайдовчи Бектас Ўтарбаев шошилинч қақирликларга фельдшерларни ўз вақтида бехатар етказиб, вазифасини сикдикдилдан адо этмоқда.

Тажрибали фельдшерлар Ноила Сатенова, Гулина Ўмиралиевалар шифога муҳтож беморларга ўз вақтида жадал тиббий кўмак кўрсатиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Улар Туркистон ва Шимкент шаҳарларидаги тиббиёт коллежларини муваффақиятли тамомлаб, Сўзоқ тез ёрдам станциясида самарали меҳнат қилаётганига 10 йилдан ошди. Шу даврда кўп жиддий синовларни билим ва сабот билан энгиб ўтишди. Жаҳонга таҳдид солган коронавирус авж олган таҳликали кунларда ҳам касбига содиқ қолиб, ўз ҳаётини гаровга қўйиб бўлса ҳам, ҳамқишлоқларнинг соғлиги йўлида ҳолис меҳнат қилишгани шонли тарих. Уларнинг машаққатли, беминнат ва шарафли меҳнати

"ТЕЗ ЁРДАМ" ХИЗМАТИ  
ХОДИМЛАРИГА ТАШАККУР

вилоят соғлиқни сақлаш ҳамда тез ёрдам бошқармаси, соҳа касабга уюшмаси кўмитаси томонидан муносиб тақдирланганлиги, тиббиёт ходимларининг анъанавий байрамида юқори минбарлардан миннатдорчилик ила тилга олинаётганлиги фикримиз далилидир.

Элга саломатлик саодатини улашаётган тажрибали фельдшер ҳамқишлоқларимиз Ноила Сатенова, Гулина Ўмиралиева ҳамда ҳайдовчи Бектас Ўтарбаевларга мустақкам саломатлик ва зафарлар тилаб қоламиз.

Муҳаммадҷон БОБОЕВ,  
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Суратда: Сўзоқ қишлоғидаги "Тез ёрдам" хизматининг тажрибали ходимлари.  
Муаллиф суратга олган.



Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазжон БУРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.  
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТӨБЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

»» Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт ҳамда далилларнинг турлилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.

»» Фойдаланилмаган мақолаларга эътибор берилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR" ш.т.б. М.Б. Ўзбекистон Республикасида чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алтиев кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:  
160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават.  
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.  
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11500 нусха.

Биринчи 61. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.